

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
**УДК 681.3:658.01(575.1)**

**КЕНЖАБАЕВ АМАН ТУРГУНОВИЧ**

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТЛАШТИРИШ  
МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ**

**08.00.14 – “Иқтисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари”  
ихтисослиги**

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун  
ёзилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент - 2005**

60215/7 (243/3)  
L. ST

Иш Тошкент молия институтининг «Информацион технологиялар»  
кафедрасида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор  
Фуломов Саидахрор Саидахмедович

Расмий оппонентлар: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги, физика-математика фанлари доктори,  
профессор Қобулов Восил Қобулович

иқтисод фанлари доктори, профессор  
Абдурахимов Асатулла Убайдуллаевич

иқтисод фанлари доктори, профессор Абдуллаев  
Абдужаббор

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва  
ахборотлаштириш агентлиги

Ҳимоя Тошкент давлат иқтисодиёт университети (700063,  
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49) ҳузуридаги Д.067.06.02  
рақамли кенгашнинг 2005 йил "30" сентябр соат 9 да ўтадиган  
мажлисида бўлади.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг  
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат "30" август 2005 йилда тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

Б.А. Бегалов

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, мамлакатни модернизациялаш истиқболлари иқтисодийёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига ахборот воситаларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш масалаларига муносабатларни тубдан ўзгартириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Ижтимоий ишлаб чиқаришда ахборотлар ёрдамчи ва иккинчи даражали воситалардан асосий омилга айланмоқда. Бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация тармоқларини, маълумотлар узатишни, Интернет хизматларига кириб боришни ривожлантириш ва замонавийлаштириш мамлакатимизда устувор вазифа сифатида илгари сурилмоқда. Шу боис ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳа ривожланишида ахборотлаштиришнинг миллий тизимини оқилона шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунларида миллий ахборот тизимларини шакллантириш, ахборотлаштириш соҳасини тартибга солиш, ахборот ресурсларидан, халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланишни таъминлаш каби долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодийёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш соҳасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш зарурияти ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони<sup>1</sup> ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарори<sup>2</sup> ҳам мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 1 июнь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори // «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 8 июнь.

Иқтисодийда бозор механизмларининг шаклланиши, бозорнинг асосий субъектлари - маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар фаолият кўрсатиши учун зарурий шароитларни яратиш, тадбиркорлар учун ахборот муҳитини мос ҳолда бўлишини талаб қилмоқда. Замоновий тадбиркорга бошқа тадбиркорлар, эҳтимоллиги кутилаётган истеъмолчилар, хом ашё, бутловчи қисмлар ва технологиялар, баҳолар, маҳсулот ва капитал бозорлари аҳволи, умумий сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий конъюнктура бўйича фақат ўз мамлакатида эмас, балки бутун дунёдаги ҳолат, иқтисодий тараққиёт, фан-техника ривожланиши истиқболлари ва оқибатларининг узоқ муддатли йўналишлари, хўжалик юритишнинг ҳуқуқий шарт-шароитлари тўғрисидаги ахборотлар жуда зарурдир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасида ахборот инфратузилмаси шаклланишининг муҳим вазифаси тадбиркорларнинг ахборот олиши учун қулай ва юқори даражадаги шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Республикамызда мавжуд бўлган ва фойдаланилаётган автоматлаштирилган ахборот ресурсларининг умумий ҳажми бугунги кунда ахборотларни истеъмол қилувчилар учун етарли даражада эмас. Уларнинг яқин ўтмишда асосан илмий-техника тараққиётига йўналтирилганлиги натижасида тўпланган ресурсларнинг унчалик катта бўлмаган қисмигина тадбиркорлик фаолияти ахборотлари сифатида ишлатиларди, холос. Айниқса, давлат бошқарувида локал, корпоратив ва ҳудудий ахборот тизимларининг етарли даражада яратилмаганлиги, мавжуд тизимларнинг одатда тор доирадаги истеъмолчилар учун мўлжалланганлиги тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш соҳасидаги ечимини кутаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда очиқ ва эркин ахборот бозорини шакллантириш тадбирлари амалга оширилаётган бўлсада, ахборот ресурслари ва уларга эришиш усуллари ҳамон мураккаб бўлиб, тадбиркорлар иш фаолияти учун мукамал ахборот олишни қийинлаштирмоқда. Кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш учун, авваломбор, ахборот-коммуникация технологияларининг тизимли тарздаги интеграциясини таъминлаш зарурдир. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ягона тамойиллар ва умумий қоидалар асосида ишлайдиган тадбиркорлик фаолияти маълумотлар базаси ва банки, уларни юритиш ҳамда фойдаланиш технологияси, телекоммуникация тизимлари ва тармоқларидан иборат тадбиркорлик фаолияти учун ягона иқтисодий ахборот маконини яратиш услубиятини ишлаб чиқиш устувор вазифа бўлиб турибди.

Диссертациянинг мавзуси тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантиришнинг назарий, услубий ва

амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланган долзарб муаммоларини ечишга йўналтирилгандир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, Президентимиз И.А. Каримовнинг бир қатор асарларида XXI аср Ўзбекистон учун компьютер ахборот технологиялари асри бўлади, деб қайта-қайта таъкидланган. Қўйилган муаммони ўрганилганлик даражасини таҳлил қиладиган бўлсак, З. Беззел, Д. Кокс, Р. Браун, С. Кеннет, П. Кент ва бошқа чет эл олимлари томонидан ахборотлашган жамият назарияси, ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш йўллари, уларни ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилган. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг назарий услубий асослари В. Алпатов, С. Охрименко, Б. Елепов, В. Цветков ва С. Сви́реденколар сингари МДХ олимларининг ишларида кенгроқ ёритилган.

Республикамиз олимлари В.Қ. Қобулов, С.С. Фуломов, Р.Х. Алимов, А. Абдугафаров, Қ. Алимов, М.И. Ирматов, А.У. Абдурахимов, О.Ю. Рашидов, Б. Беркинов, Э. Жабборов, Д.Н. Ахмедов, И.О. Улашев, Б.Ю. Ходиев, Б.А. Бегалов, А.Н. Арипов ва А.М. Абдувоҳидовлар ўз илмий асарларида республика миллий иқтисодиётида автоматлаштирилган бошқарув тизимларини такомиллаштиришнинг услубий ва асослари, ахборотларни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини ривожлантириш, ахборот оқимларини моделлаштириш, ҳисоблаш харажатларини камайтириш, электрон ҳисоблаш машиналарини оптимал жойлаштириш, банк тизимидаги ахборот-коммуникация технологияларига оид масалаларни тадқиқ қилишган.

Лекин жамиятни ахборотга ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш мақсадида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш борасида ягона иқтисодий ахборот тизими базасини, тадбиркорлик фаолиятида ягона иқтисодий ахборот маконини такомиллаштиришнинг назарий, услубий ва амалий томонларини ўрганишга бағишланган ишлар етарли даражада амалга оширилмаганини қайд қилиб ўтишимиз керак.

**Диссертация ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Маскур ишнинг мавзуси Тошкент Молия институти Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган бўлиб, институтнинг устувор йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади.

**Тадқиқот мақсади** бўлиб ахборот-коммуникация технологиялари интеграциялашуви шароитида тадбиркорлик фаолиятидаги ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантиришнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатдан ечимларини ҳал қилиш ҳисобланади.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқот мақсадига эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифалар белгиланди ва тадқиқ қилинди:

-республикада ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш жараёнлари моҳияти ҳамда даражасини аниқлаш ва баҳолаш;

-тадбиркорлик фаолиятининг замонавий даражасини таъминловчи ахборот оқимларини такомиллаштириш жараёнларини ўрганиш ва таҳлил этиш услубиётини ишлаб чиқиш;

-тадбиркорлик фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини корпоратив тармоқлари яратилишига мукаммал ёндашувни асослаш, бозор ахборот соҳаси ривожланишининг сигими ва жадаллигини баҳолаш услубларини тавлаш;

-ахборот-коммуникация технологияларини тадбиркорлик фаолияти самарадорлигига таъсирини ва бу фаолиятда ягона иқтисодий ахборот маконининг амал қилишига оид устувор йўналишларни асослаш;

-тадбиркорлик ахборотларини автоматлаштирилган ҳолда узатиш ва қабул қилиш миллий тармоғининг тарққбий тузилишини шакллантириш бўйича таклифлар бериш;

-миллий иқтисодиётда тадбиркорлик соҳасини ахборотлаштириш тизимининг функционал схемасини мукаммаллаштириш;

- тадбиркорлик ахборот инфратузилмасини лойиҳалаштириш ва амалиётда қўллаш учун дастурий-техник мажмуа, иқтисодий-математик моделлар ва таркибий-ташқилий ечимлар таклиф қилиш.

**Илмий янгилиги.** Диссертация ишида республикаимиз тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш борасидаги долзарб муаммолар илк бор мустақил илмий тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилди. Тадқиқотлар натижаларига илмий асосланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи назарий, услубий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадқиқот иши давомида муаллиф томонидан олинган муҳим илмий натижалар ва ҳимояга олиб чиқилаётган асосий илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

-Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш ва бозор иқтисодиёти шароитида оммавийлашган ва мукаммал электрон-ғижорат инфратузилмасига асосланган ягона ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш қонуниятлари ва тамойилларини айнан ифодаловчи омиллар мажмуаси аниқланди;

- тадбиркорлик соҳасига оид ахборотларни автоматлаштирилган ҳолда узатиш ва қабул қилиш миллий тармоғини «республика-минтақа-вилоят-туман-тадбиркорлик субъекти» тарзидаги поғонали таркибий тузилиши таклиф қилинди;

-миллий иқтисодиётнинг тадбиркорлик соҳасидаги ахборот тизими функционал схемаси ишлаб чиқилиб, ахборотлаштириш миллий тизимидаги ахборот жараёнларини баҳолашда тадбиркорлик фаолиятига оид ахборотлар бозори, айниқса корпоратив ахборот-коммуникациялари муҳим омил эканлиги исбот этилди;

- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси миқёсидаги корпоратив ахборот муҳити ва ягона иқтисодий ахборотлар маконига асосланган ахборотлаштириш тизимининг функционал схемаси ишлаб чиқилиб, унинг локал, минтақа ва халқаро ахборот тизимчалари замонавий тадбиркорлик фаолиятига тегишли интерфаол маълумотлари базасига асосланиши кўрсатиб берилди;

- Республикамизда тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тизими самарасини ошириш учун бевосита интеграллашган ахборот муҳитини яратиш тавсия этилиб, унинг ташкилий тизимчалари асосланди;

-тадбиркорлик фаолиятида глобал ва маҳаллий ахборотлар таъминоти концепцияси ишлаб чиқилиб, тегишли ахборот манбалари, уларни олиш усулларининг таснифи таклиф этилди;

-жаҳон бозорининг глобаллашуви феноменига асосланган ҳолда ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг дунё бозорига ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида кириб боришида ва ишбилармонлик ҳамкорлигида амалга ошириладиган янги иқтисодий-институционал имкониятлари кўрсатиб берилди;

-тадбиркорлик фаолиятининг корпоратив ахборот тармоқларини ахборот брокерлари орқали шакллантириш услубиёти ишлаб чиқилди;

-тадбиркорлик фаолиятининг муҳим натижавий индикатор-кўрсаткичларига ахборот-коммуникация технологияларини таъсир этиш хусусиятлари ва даражасини баҳоловчи миқдорий таҳлил моделлари таклиф этилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда таклиф этилган илмий ишланмалар, шунингдек тадбиркорлик фаолиятида ягона иқтисодий ахборот маконини шакллантиришда фойдаланилган услубий воситалар келгусида ахборотлаштириш миллий тизимини ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларини белгилайдиган қонунчилик, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари улар олий ўқув юрғларида ахборот технологиялари ҳамда иқтисодий математик усуллар ва моделлаштириш фанларини ўқитишда ўз тадбиқини топиши мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертацияда ишлаб чиқилган таклифлар давлат бошқарув органларига тавсия этилиб, муаллиф республикада ахборотлаштириш жараёнларини тартибга солиш ва рағбатлантириш масалалари бўйича, шунингдек иқтисодий ислохотларни ривожлантириш муаммолари бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва меъёрий ишланмалар лойиҳалари ишлаб чиқилишида ишчи гуруҳлар таркибда бевосита иштирок этди. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг назорат бўлими, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат унитар корхонаси ахборот-ҳисоблаш марказларининг амалий фаолиятида қўлланилётганлиги ҳақида далолатномалар олинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация ишининг асосий ғоялари қатор илмий-амалий семинарларда ва 14 та республика ҳамда 15 та халқаро илмий-амалий анжуманларда баён этилган. Жумладан, тадқиқот иши Тошкент Молия институти «Молия», «Солиққа тортиш ва суғурта иши», «Қимматли қоғозлар ва биржа иши» ҳамда «Лойиҳаларни молиялаштириш» кафедраларининг кенгайтирилган қўшма мажлисида; Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Д 067.06.02 Ихтисослашган илмий кенгашнинг 08.00.14 - «Иқтисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари» ихтисослиги бўйича муаммоли - мувофиқлаштирилган кенгаши илмий семинарида; ЎзР ФА «Замонавий инфорацион технологиялар» илмий-техник маркази Информатика институтининг «Ахборот аналитик тизимлари» ва «Ижтимоий-иқтисодий тизимларда қарор қабул қилиш жараёнини моделлаштириш» лабораторияларининг қўшма илмий семинарида; Тошкент Давлат аграр университети «Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари» кафедрасининг илмий семинари ҳамда Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти «Иқтисодий информатика», «Информацион технологиялар» ва «Иқтисодиёт» кафедраларининг қўшма илмий семинар мажлисларида атрофлича муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий ишлар 60 босма табоқдан ортиқ бўлиб, жами 32 та илмий иш чоп этилган. Шундан 13 таси журнал мақолалари бўлиб, уларнинг 3 таси чет мамлакатларда эълон қилинган. 1 та монография, 4 та ўқув қўлланма чоп этилган. Бундан ташқари муаллиф томонидан 50 дан ортиқ ўқув-услубий ишлар ҳаммуаллифликда тайёрланган ва улардан ўқув жараёнларида кенг фойдаланиб келинмоқда.



**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловалардан иборат бўлиб, 269 бетлик матнни ташкил этган.

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади, объекти, вазифалари, илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши ҳамда натижаларнинг эълон ва муҳокама қилинганлиги баён этилган.

Биринчи боб «Ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантиришнинг услубий асослари» деб номланиб, унда республика иқтисодиёти соҳасидаги ахборотлаштириш миллий тизими ва унинг моҳияти, гуруҳлаш хусусиятлари, ахборотлаштиришнинг ҳолати, республика қонунчилик тизимида ахборотлаштиришнинг ҳуқуқий базалари, ягона иқтисодий ахборот тизимларини шакллантиришнинг назарий асослари ва уларни такомиллаштириш муаммолари тадқиқ қилиниб, ечимлари йўналишлари кўрсатилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби - «Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш тизимини шакллантириш жараёнларининг тадқиқи» ахборот бозорларининг асосий соҳалари ва халқаро ахборот бозори ривожини, замонавий тадбиркорлик фаолияти ахборот таъминоти тизимини такомиллаштиришнинг тамойил ва хусусиятлари, ахборот манбалари ва уларни олиш имкониятлари таҳлили, интерфаол маълумотлар базаси ва дастурий маҳсулотларни тижорат йўли билан тарқатиш технологиялари, жаҳон ахборот бозорининг глобаллашуви ва ахборотлар алмашинувининг халқаро интеграцияси каби долзарб масалалар ечимларига бағишланган.

Тадқиқотнинг «Тадбиркорлик фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш услубиёти»га тегишли учинчи бобида ахборот-коммуникация технологиялари интеграциясининг асосий усул ва тамойиллари, республикада корпоратив ахборот-коммуникация муҳитини такомиллаштириш масалалари моделлаштириш нуктаи назаридан тадқиқ қилинган.

Тўртинчи боб - «Тадбиркорлик фаолияти ахборот таъминоти концепцияси» тадбиркорлик фаолиятида глобал ахборот тармоқларининг функционал имкониятларидан самарали фойдаланишни, ташқи савдо-сотиқ масалалари бўйича ягона ахборот марказлари тармоқларини яратишнинг концептуал асосларини атрофлича ёритилишга қаратилган.

Бешинчи боб “Тадбиркорлик фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари самарадорлигини моделлаштириш” деб номланиб, у тадбиркорлик фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари бозори ҳажмини миқдор ва сифат жиҳатидан баҳолаш усуллари, ахборот бозорини ташкил этишнинг услубий асослари, бозордаги ахборот-коммуникация технологиялари ва уларни тадбиркорлик фаолияти самарадорлигига таъсирини баҳолаш моделлари каби тадқиқот натижаларига бағишланган.

Диссертациянинг хулоса қисмида муаллиф томонидан шакллантирилган умумий хулосалар, ишлаб чиқилган амалий тавсиялар ва таклифларнинг қисқача мазмуни ўз ифодасини топган.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистоннинг бозор муносабатлари шароитида халқаро ҳамжамиятдаги мавқеи ахборотлар алмашинуви ривожланиш даражасини қай даражада ташкил қилишга боғлиқдир. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг халқаро, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий алоқалари, уларнинг ахборотлар айирбошлашуви борасида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда ахборотлар алмашинуви давлатлар ва миллатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг динамик характерини белгилайдиган асосий омилга айланмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан кейинги йилларда жаҳон ахборот майдонида фаол қатнашуви ва бу соҳадаги муваффақиятларини янада мустаҳкамлаши мамлакатда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётни ривожлантиришга муҳим асос бўлиб келмоқда.

Бунда иқтисодий субъектлар фаолиятини ахборотлаштириш миллий тизимларини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

Муаммони ўрганилганлик даражасини таҳлил қиладиган бўлсак, З. Беззел, Д. Кокс, Р. Браун, С. Кеннет, П. Кент каби хорижий олимлар томонидан ахборотлашган жамият назарияси, ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш йўллари ва уларни ишлаб чиқариш масалалари кўриб чиқилиб, ўтказилган тадқиқотларда асосан муаммонинг назарий жиҳатлари ёритилган.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг назарий-услубий асослари, ахборот маркетинги масалалари В. Алшатов, С. Охрименко, Б. Елепов, В. Цветков ва С. Свиреденколар

каби МДХ олимларининг ишларида кенг ёритилиб, улар томонидан автоматлаштирилган маълумотлар банки маркетингини яратишнинг хусусиятларини аниқлаш ҳамда моделлаштириш тамойиллари ўрганилган.

Республикамининг таниқли олимлари В.Қ. Қобулов, С.С. Фуломов, Р.Х. Алимов, А. Абдутафоров, Қ. Алимов, М.И. Ирматов, А.У. Абдурахимов, О.Ю. Рашидов, Б. Беркинов, Э. Жабборов, Д.Н. Ахмедов, И.О. Улашев, Б.Ю. Ходиев, Б.А. Бегалов, А.М. Абдувоҳидовлар ўз илмий асарларида республика миллий иқтисодиётига автоматлаштирилган бошқарув тизимларини тадқиқ қилишнинг услубиёти ва асослари, ахборотларни қайта ишлашни технологик жараёнларини ривожлантириш, ахборот оқимларини моделлаштириш, электрон ҳисоблаш машиналарини оптимал жойлаштириш, минтақавий ижтимоий-иқтисодий мониторинглар яратиш сингари масалаларни тадқиқ қилишган.

Б.А. Бегалов республикада иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ахборот-коммуникациялар бозори шаклланишининг концепцияси ва назарий-услубий асосларини яратиш ҳамда ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш нуқтаи назардан тадқиқ қилган бўлса, Б.Ю. Ходиев Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлар тизими ёрдамида илмий асослаб берган.

А.Н. Арипов ўз илмий ишида Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳасининг устувор ва жадал ривожланишини таъминлаш ҳамда бозор ислохотлари талабларига мос келувчи замонавий бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиққан.

Банк тизими ахборот-коммуникациялар технологиялари фаолият жараёнини айнан акс эттирувчи ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида уларни яратиш ва самарали фойдаланиш давомида юзага келувчи турли муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи усул, алгоритм ва технологияларни мажмуий тадқиқ этишни Н.М. Қамбаров ўз тадқиқотининг асосий мақсади деб олган.

Фикримизча, миллий иқтисодиётнинг ахборот-коммуникация тармоғини мамлакатимизда самарали шаклланишига қуйидаги ҳолатлар тўққинлик қилмоқда:

-тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммоларига бағишланган мукамал назарий ва амалий тадқиқотларнинг камлиги;

-тадбиркорлик фаолиятини ахборотлаштириш соҳасидаги интерфаол маълумотлар базаларининг етарли даражада эмаслиги ва

жамиятни халқаро ахборот тармоқларидан тўла фойдалана олмаётганлиги;

-бу соҳанинг узвий қисми бўлган электроэнергетика ва микроэлектроника соҳасининг талаб даражасида ишламаётганлиги ёки етарлича ривожланмаганлиги;

-соҳага хизмат қилувчи компьютер техникаси паркларини янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини суст равишда амалга оширилаётганлиги.

Республикамизда ахборотлар узатиш тармоғи сезиларли даражада ривожланиб, 2003 йилнинг ўзидаёқ 235 та янги ахборот узатиш узеллари барпо этилди, 2010 йилда эса Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш портлари сони 45000 тани ташкил этиб, аҳоли орасида фойдаланувчилар сони 55,6 миңгадан 3321 миңгага ўсиши, ёки оилаларнинг деярли 60 фоизи ушбу жаҳонга машҳур ва ривожланган ахборот тармоғи хизматларидан фойдаланиши кутилмоқда. Республиканинг барча аҳоли пунктлари, шунингдек, бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектларининг учдан икки қисми Интернетга уланishi қайд этилмоқда<sup>3</sup>.

Қулай дастурий воситаларни яратиш, мамлакатимизни ўзида компьютер техникасини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш чоратadbирлари биринчи даражали вазифалар этиб белгиланган Шу муносабат билан компьютерлар, уларга тегишли бутловчи қисмлар ва дастурий воситалар келтириш, ўқитиш ва ахборот хизматлари кўрсатиш бўйича бир қанча солиқ ва божхона имтиёзлари жорий этилди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) ривожланиши республикамизни ривожланаётган дунё иқтисодиётига киришини тезлаштириб, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини тобора шакллантириб бориши ва келажакда унинг ҳолати электрон давлат, таълимдаги АКТ, электрон иқтисод, жамиятда АКТдан фойдаланиш, глобал ахборот ресурсларига кириш, АКТ борасидаги давлат сиёсати кабилар билан белгиланади.

Бу соҳадаги ютуқларимиз билан бирга бир қатор камчиликлар ҳам мавжуддир. Жумладан, давлат ташкилотларида фойдаланилаётган компьютерларнинг 30 фоизи замонавий ҳисобланиб, улар 15 фоиздан ортиқ маънавий эскирган компьютерлардан ҳали ҳам фойдаланиб келмоқдалар. Давлат бошқарув органларида эса 80 фоиз компьютерлар замонавий ҳисобланиб, уларда ҳам 15 фоиз маънавий эскирган компьютерлар қўлланилади. Тадқиқотимизда ўтказилган анкета сўровлари натижаларига кўра, давлат ташкилотларида 5 фоизга яқин

<sup>3</sup> Мониторинг развития ИКТ в Узбекистане. Т. 2003 г., 69 с.

компьютерлар Интернетга уланган ва ҳар 10 та ходимга ўртача 1 та компьютер тўғри келмоқда. Бошқарув органларининг АКТдан фойдаланиш кўрсаткичларининг таққослама таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

## 1-жадвал

## Бошқарув аппаратида АКТдан фойдаланиш кўрсаткичлари

Бошқарув органлари	АКТ сони	Шу жумладан				Ранги (R <sub>1</sub> )	Тайёргарликка эга бўлган ходимлар		Ранги (R <sub>2</sub> )
		Локал тармоқлар		Корпоратив тармоқлар			Сони	%	
		сони	%	сони	%				
Вазирликлар	13	11	85	2	15	6	7800	65	2
Қўмиталар	11	9	82	2	18	5	5000	53	4
Агентликлар	8	7	88	1	12	7	5600	77	1
Вилоятлар	14	8	57	6	43	2	2000	42	7
Корпорациялар	4	4	100	0	0	8	1612	53	4
Ассоциациялар	18	5	28	13	72	1	4550	48	6
Компаниялар	24	13	58	11	42	3	9909	52	5
Бирлашмалар	5	3	60	2	40	4	1202	60	3
Жами	97	60	62	37	38	-	37673	56	-

Манба: Рақамли ривожланиш ташаббуси дастури: «Ўзбекистонда АКТ ривожланиш мониторинги» маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда АКТ ривожланиш мониторинги маълумотларига асосан кўпгина давлат ташкилотлари ўзига тааллуқли масалаларни ечиш учун махсус дастурларга эга. Давлат ташкилотлари бошқарув аппаратининг кўп қисми Windowsнинг асосий офисларидан фойдаланадилар, шу жумладан 64 фоиз ходимлар MS Word матн муҳарриридан, 49 фоиз ходимлар эса MS Excel электрон жадвалидан фойдаланиб ишлайдилар. MS Power Pointда 17 фоиз ва Интернет броузерида 20 фоиз ходимлар фойдаланади, холос.

Интернет провайдерларининг маълумотларига кўра, 2004 йилда давлат ташкилотларининг интернетга уланиши 190 фоизга ошиб, уланган хўжалик субъектлари эса 160 фоизни ташкил қилди. Давлат ташкилотларининг фақатгина 7 фоизи эса ўз корпоратив тармоқларига эга. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, 62 фоиз ташкилотлар ўзининг ички локал компьютер тармоқларига эга бўлиб, 38 фоизи корпоратив АКТдан фойдаланади ва атига 56 фоиз махсус тайёргарлиги бўлган ходимлар ишлайди. Бу эса республика учун етарли даражада эмас.

АКТ секторида маҳсулот ва хизматларнинг умумий ҳажми 2004 йилда 196 млрд сўмдан иборат бўлиб, мамлакат ЯИМни 2,6 фоизини ташкил қилди. Республикамиздаги ишга яроқли 12 млн. 718 минг кишидан, АКТ соҳасида 44 мингдан ортиқроғи, яъни 0,35 фоизи

ишлайди. Ўзбекистон молия соҳасидаги корпоратив тармоқларини жаҳон андозаларига жавоб беришини инобатга олиб, бизда яқин йилларда электрон тижоратни ривожланиш истиқболлари кутилмоқда<sup>4</sup>.

Ўзбекистон ривожланишидаги янги ижтимоий иқтисодий шарт-шароитлар жамиятдаги фаол ривожланаётган ахборот муносабатларини тартибга солишни белгилаб, республикамизда ягона иқтисодий ахборот тизими базасини (ЯИАТБ) шакллантиришни талаб қилади ва бу миллий иқтисодиётнинг ахборотлаштириш маконини ташкил қилувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади.

ЯИАТБни шакллантиришдан асосий мақсад ҳозирги шароитда ахборот истеъмолчиларининг бир-бирлари билан алоқаларини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилишдан иборат бўлиб, бунда ахборотларни йиғиш, жамғариш, сақлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан биридир.

Республикамизда ЯИАТБни шакллантиришнинг асосий шарт-шароитлари ва зарурияти шундан иборатки, бунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ишончли ахборотлар билан таъминланиб, иқтисодий ўсишга ўз ҳиссаларини қўшмоғи зарур. Бу ўз навбатида ягона ва кенг кўламли ахборотлар базасини ташкил қилишни тақозо қилади.

Мамлакатимизда ЯИАТБ шакллантиришнинг назарий масаласи бизнинг фикримизча, барча иқтисодиёт субъектлари доирасида ЯИАТБни жорий қилиш муаммоларини ечишдан иборат бўлади.

Такомиллаштирилган ЯИАТБ ахборотларни атрофлича таҳлил қилган ҳолда аниқ қарорлар қабул қилиш учун шарт-шароит яратиб бера олади.

Иқтисодиёт субъектларининг ахборот таъминоти бўйича ўзаро алоқалари ҳозирги кунда турли хилдаги алоқа-коммутация каналлари ва модемлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Республикамиздаги мавжуд компьютер воситаларини янгилаш, модернизация қилиш ва уларни сонини кўпайтириш зарурдир, чунки ЯИАТБ талаблари шуни тақозо қилади. Бунда локал ахборот-ҳисоблаш тармоқлари сонини кўпайтириш жуда муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда локал ахборот-ҳисоблаш тармоқлари иқтисодиётнинг барча соҳаларида ишлатилиб, спутник алоқа тизими асосида ишловчи телекоммуникация воситаларидан турли хилдаги ахборотларни ўзаро алмашинувида фойдаланиб келинмоқда.

<sup>4</sup> Мониторинг развития ИКТ в Узбекистане. Т, 2003 г., 69 с.

Локал ахборот тармоқларидаги дастурлар мажмуи ва модуллари ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва архивлаш жараёнларини амалга оширишга хизмат қилади.

Шунга қарамасдан бу соҳада ечимини кутаётган масалалар ва муаммолар жуда кўп. Масалан, республикамизда ҳозирги пайтда ахборотларни қайта ишлаш вазифасини бажарувчи техник воситаларнинг ярмидан кўпроги маънавий эскирганлиги сабабли ЯИАТБни шакллантириш талабларига тўла жавоб бера олмайди.

Мавжуд иқтисодиёт субъектларига Web-технологиялар асосида марказий ахборот ресурсларидан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратишимиз лозимдир. Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, ЯИАТБни шакллантириш жараёни, биринчи навбатда, қўйидаги амалий ишларни бажаришни тақозо қилади:

-турли хилдаги маълумотлар базасини бошқариш тизимларини электрон хабарлар бўйича ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

-вазирлик ва идоралар ахборот ресурслари ёрдамида маълумотлар базаси бўйича ЯИАТБни яратиш.

Бизнинг фикримизча, ушбу тизимни шакллантириш жисмоний шахслар билан ишлаш, биржа ва бартер битимларини расмийлаштириш ҳисоботини амалга ошириш жараёнлари билан боғлиқ равишда олиб борилиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасида ҳозирги кунда 15 та локал ҳисоблаш тизимлари ва 203 та алоҳида компьютер тармоқлари фаолият юритмоқда. Улар 3 поғонали корпоратив ҳисоблаш тармоғидан ташкил топиб, тармоқлар ўртасида ахборот айирбошлаш ички электрон почта ёрдамида бажарилиб келинмоқда. Мазкур тармоқда ҳам ҳисоблаш ускуналарини янгилаш зарурияти мавжуд бўлиб, бу тармоқ учун битта ходимга битта компьютер тўғри келиши шарт.

Ҳисоб-китобларимизга кўра, ҳар бир туман бўлимига яна 4 тадан компьютер, Қорақалпоғистон статистика бошқармасига ва Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри статистика ташкилотларига 30 дан ортиқ замонавий компьютерлар ўрнатиш зарурдир. Шунингдек статистика соҳасида меҳнат унвдорлигини ошириш мақсадида туманлар бўйича компьютерларнинг локал тармоқлари ва терминал мажмуалар яратиши назарда тутилиши керак.

Ахборотлаштириш миллий тизимини яратишнинг асосий мақсади ва вазифаси ЯИАТБни босқичма-босқич иқтисодиётга жорий қилишдан иборатдир.

Бунда ЯИАТБни самарали шакллантириш вазифаси барча қатнашувчилар учун қўйидагиларни тақозо қилади:

-ахборотларни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимини ташкил қилишни;

-ахборотларни олиш ва узатиш жараёнларини автоматлаштиришни;

-олинадиган ва узатиладиган ахборотларни ўз вақтида таъминлашни;

-ҳисоботларни узатиш ва олишда кишилар иштирокини камайтиришни.

Шакллантирилаётган ЯИАТБга турли хилдаги талаблар қўйилади ва бу талабларнинг энг муҳим шартларидан бири тизимни ташкил қилишда бошқарувчилар томонидан тўғри ечим қабул қилишдир. Тизим учун шунчаки умумий дастурлар керак эмас, балки амалий дастурлар, замонавий компьютерлар, коммуникация ускуналари, алоқа каналларидан иборат бўлган яхлит самарали технологиялар керак.

Бундан ташқари барча иқтисодиёт субъектлари ЯИАТБга улавишлари учун ўз маълумотлар базаларини (МБ) яратишлари лозим.


Республикада ЯИАТБни тўлақонли фаолияти учун қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилар бўйича бажарилиши керак:

- ахборотлар ҳаракатини таркибий қисмлари;
- ахборотлар ҳаракати қўшма тизимлари;
- тизимдаги ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш технологиялари;
- тизимни ташкил қилувчилар ўртасида маълумотлар базасини узатиш;
- техник ва дастурий воситаларни носозлик жараёнлари;
- маълумотлар базасини яхлитлигини тиклаш;
- техник ва дастурий таъминотлар.









Шундан келиб чиққан ҳолда ЯИАТБ яратиш жараёни ахборотлар узатиш ва қабул қилиш миллий тармоғини (АУМТ) шакллантиришни талаб қилади. Бизнинг фикримизча, АУМТнинг таркибий тузилиши 1-расмдаги тарзда бўлиши керак. ЯИАТБ учун ҳозирги кунда локал ҳисоблаш тизими ва телекоммуникация таъминоти жуда муҳим ҳисобланиб, у қуйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

- тармоқ ускуналари сифатида замонавий юқори тезликдаги тармоқ технологияларидан фойдаланишни ташкил қилиш;
- виртуал тармоқлар бўйича трафикларни узатиш;
- локал ҳисоблаш тармоғи (ЛХТ) иштирокчиларини глобал тармоққа катта тезликда улавиши;
- ҳудудий тақсимланган тармоқ ва ЛХТ ёрдамида маълумотларни сифатли узатиш ва қабул қилишни таъминлаш.





1-расм. АУМТнинг таркибий тузилиши

-  - фойдаланувчилар
-  - регионал коммутация узеллари
-  - вилоят коммутация узеллари
-  - туман коммутация узеллари
-  - тадбиркорлик субъектлари коммутация узеллари
-  - 2М-155М -АТМ-рақамли алоқа каналлари
-  - 19К-2М-FR, X25-рақамли алоқа каналлари
-  - маълумотларни узатиш халқаро алоқа тармоғи.

Булардан ташқари, ЯИАТБ учун ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам зарур бўлиб, бу автоматлаштирилган тизимларни ишончлилик даражасини ошириш, ахборот тижоратини таъминлаш мавжудлиги ҳамда ахборотларни йўқотиш ва ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга чек қўйиш кабилар билан белгиланиши керак.

Дастурлар, маълумотлар ва фойдаланувчилар ахборот хавфсизлигининг объектлари ҳисобланади. ЯИАТБга киришни ҳуқуқий асоси ва регламенти қизиқувчи ташкилотлар учун тизим хизмати орқали амалга оширилади.

ЯИАТБнинг техник таркиби кенгаювчан ва мосланувчан бўлиши билан бирга, у ўзида янги технологиялар интеграциясини ҳам акс эттирмоғи лозимдир.


Республикада ЯИАТБни шакллантириш ва уни миллий иқтисодиётга жорий қилиш янги авлод техника ва технологияларидан фойдаланиш бўйича давлат илмий-техник дастурлариёни яратиш, уларни иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан амалга ошириш механизмлари билан чамбарчас боғлиқликда олиб борилиши керак ва бунда «...реал иқтисодиёт тармоқлари бошқарув, бизнес соҳалари учун мослаштирилган дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини, веб-сайтларни ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади».<sup>5</sup>

Шу сабабдан ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришда тadbиркорлик фаолиятини ахборотлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, тadbиркорлик фаолияти ахборот технологиялари, фаолият учун ахборот технологиялари моделларини қўллаш ва натижада эса ушбу фаолият ахборот таъминоти концепциясини ишлаб чиқиш иқтисодиётимиз олдидаги муҳим стратегик вазифалардан бири тарзида намоён бўлади.

Бу самарали фаолият ахборотлаштиришнинг миллий тизими ва унинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, миллий иқтисодиётнинг тadbиркорлик соҳасидаги ахборот тизими биз таклиф қилаётган функционал схема (2-расм) ёрдамида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ўзбекистонда 1991-2004 йиллар мобайнида 300 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улардан 20 дан ортиги тўлиқ ахборотлаштириш амалиётига тегишлидир, қолганлари эса муайян муаммолар бўйича алоҳида меъёрларни ўз ичига олади.

Республикада АКТ соҳасидаги мавжуд қонунчилик тизими умуман олганда АКТни ривожлантириш даражасига ижобий таъсир

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарори // «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 8 июнь.



2-расм. Миллий иқтисодиётнинг тадбиркорлик соҳасидаги ахборот тизими функционал схемаси.

кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган кўпгина фирмалар телекоммуникациялар ва ахборот технологиялари бозорларига дадил кириб бормоқдалар.


Айни пайтда АКТ бўйича жаҳон ҳамжамиятига кириш фаоллигини ошириш мақсадида Қомусимизга, фуқаролик кодексига, жиноий процессуал кодексларга ўзгартиришлар киритилиши керак. Шулар қаторида шахсий маълумотларни ҳимоялаш, ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги қонунларнинг ахборотлашган жамиятда тўлақонли қўлланилиши муҳим ҳисобланиб, улар тадбиркорлик фаолиятини ахборотлаштириш тизимини шакллантириш учун энг асосий бўлган қонунлар қаторига киради.

Тадбиркорлик фаолияти ахборот тизимини шакллантириш жараёнларини тартибга солиш учун 3-расмда тасвирланган тадбиркорлик фаолияти ахборот тизимининг функционал схемасидан фойдаланишни таклиф қиламиз.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда ва яқин келгусида Ўзбекистонда ахборотлар ресурсларига кириб боришнинг асосини Интернет ахборот технологиялари ташкил этади. Шунга мос ҳолда тадбиркорлик фаолияти ахборотлари ресурсларига кириш муаммосининг ҳал этилиши Интернет тармоқлари яратилиши соҳасида ва корпоратив тарзда қурилган ахборотларни ҳимоя қилишнинг криптографик воситалари асосида ётади. Бундай шароитда тадбиркорлик фаолияти учун корпоратив телекоммуникация ва ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантиришда глобал электрон тижорат ахборотларининг бевосита асосий бош тамойиллар асосида яратилиши назарда тутилмоғи керак.

Самарали иқтисодиётнинг зарурий шартларидан бири яқлит тизим сифатида ахборот инфратузилмасининг шаклланиши ҳисобланади ва у маҳсулотлар (хизматлар) ҳаракатига кўмаклашади. Ўзбекистондаги тадбиркорлик фаолияти ахборот бозори турли ахборот маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этиб, у тадбиркорларга ўз фаолиятининг баъзи соҳаларидаги муаммолар ечимларини излаш имконини беради. Лекин, очиқ ахборот ресурсларига кириш воситаларининг тарқоқлиги бозорда аниқ мўлжал олишга ва зарурий ахборотни топишга ёрдам бера оладиган ахборот-коммуникация воситаларининг етарли эмаслиги тадбиркорлар учун ушбу жараёни сезиларли даражада қийинлаштирмоқда. Кўрсатилган камчиликларни бартараф этишда ахборот ресурсларини оқилона шакллантириш ва сезиларли даражада қийинлаштирмоқда. Кўрсатилган камчиликларни бартараф этишда ахборот ресурсларини оқилона шакллантириш ва улاردан



3-расм. Тадбиркорлик фаолияти ахборот тизимининг функционал схемаси.

самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятига оид ягона иқтисодий ахборот макони яратилишидаги энг муҳим ечилиши керак бўлган муаммолардан биридир. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тадбиркорлик ахбороти маълумотлар базаси ва банкдан ташкил топиб, булар жамиятнинг барча ахборот ресурслари билан узлуксиз тарзда боғланган бўлиши тақозо этилади.

ЎзР ССП аъзолари ўртасида олиб борилган тадқиқотлар муваффақиятли бизнес учун нисбатан муҳим бўлган тадбиркорлик ахбороти гуруҳларини аниқлаш имконини берди. 2-жадвалда ана шу гуруҳлар тўғрисидаги маълумотлар берилган бўлиб, унда сўралганлар кетма-кетлиги (фоизларда) қайси бир ахборотни афзал кўришларига кўра жойлаштирилган.

Сўров ўтказиш натижалари машғулот тури, фаолиятнинг етакчи соҳалари, ташкилотлар мулкчилик шакллари, фирмалар фаолият даврлари ва географик тамойиллар кўрсаткичлари бўйича репрезентативлик хусусиятига эга бўлди.

Ўтказилган тадқиқотлар ахборотларнинг тадбиркорлар учун нисбатан ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган 8 та гуруҳини ажратиш имконини бериб, уларнинг интеграциялашуви тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўлган қуйидаги корпоратив ахборотлар муҳитида ўз аксини топди:

- иқтисодий фаолият субъектлари (ИФС);
- тадбиркорлик ахбороти манбалари (ТАМ);
- молиявий ахборотлар (МА);
- тадбиркорлик таклифлари ахборотлари (ТТА);
- меъёрий-ҳуқуқий ахборотлар (МҲА);
- маҳсулотлар ва хизматлар бозори ахборотлари (МХБА);
- ташқи иқтисодий фаолиятга тегишли ахборотлар (ТИФА);
- кўргазмалар ва ярмаркалар тўғрисидаги ахборотлар (КЯА).

Алоқа ва маълумотларни узатиш тизимлари (АМУТ) бизнес ахборот технологияларининг муҳим таркибий қисмидир. Тадбиркорлик фаолиятининг ягона иқтисодий ахборот маконида АМУТнинг бутун ишлаётган мажмуи, фикримизча, қуйидаги ахборот тармоқларидан иборат бўлиши керак:

- умумдавлат ва идоравий алоқа тармоқлари;
- сунъий йўлдош алоқа ҳамда ҳаракатланувчи ва стационар объектлар билан радиоалоқа тизимлари;
- маълумотларни узатиш ва коммуникация пакетлари билан ҳужжатли алмашув тизимлари.

**Тадбиркорлик фаолиятида ахборотларга мазмунан  
қизиқишларнинг таснифланиши**

№	Ахборотлар таснифи	%
1	Ҳамкорлар ишончилиги тўғрисида	70
2	Тадбиркорлик ахбороти манбалари тўғрисида	56
3	Нархлар ва нарх ҳосил бўлиши тўғрисида	49
4	Хўжалик шартномалари ва баҳслар, арбитраж тўғрисида	45
5	Мулк бозори тўғрисида	39
6	Инвестиция компаниялари, фондлар, биржалар тўғрисида	35
7	Кредит бозорлари ҳолати тўғрисида	35
8	Банклар тўғрисида	30
9	Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида	30
10	Фонд, қимматли қоғозлар бозори ҳолати тўғрисида	30
11	Корхоналар, фирмалар (манзиллар, фаолият кўрсаткичлари) тўғрисида	30
12	Республика иқтисодиётида чет эллик шериклар иштироки тўғрисида	30
13	Маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш бозори ҳолати тўғрисида	26
14	Қонунчилик тўғрисида	26
15	Тадбиркорлик бирлашмалари, ассоциациялар тўғрисида	24
16	Ислоҳотлар, санациялар, фирмалар тугатилиши тўғрисида	24
17	Маркетинг тадқиқотлари натижалари тўғрисида	20
18	Реклама агентликлари тўғрисида	20
19	Суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари тўғрисида	16
20	Аудиторлик фирмалари тўғрисида	15
21	Кўرғазмалар ва ярмаркалар тўғрисида	14
22	Тижорат таклифлари тўғрисида	13

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Шунингдек, республикамізда АМУТни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш ва ривожлантириш назарда тутилиши шарт:

- ахборот узатиш каналлари пакетлар коммутацияси режимлари интеграл хизмат кўрсатадиган алоқаларнинг рақамли тармоғини яратиш;

- оптик-толали ва йўлдош алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда коммутация ва маълумотлар узатишнинг рақамли усулларини жорий этиш.

Тадбиркорлик фаолиятининг ягона иқтисодий ахборот маконини шакллантиришда АМУТ қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- бир-биридан йироқдаги ҳисоблаш воситалари ўртасида маълумотлар алмашиш, тақсимланган ҳисоблаш тармоқларини ташкил этиш ва фойдаланувчиларнинг олисдаги ҳисоблаш мажмуалари ҳисоблаш ресурсларига кириши;

- турли тоифадаги ва хилдаги ҳисоблаш воситалари, локал ва глобал ҳисоблаш тармоқлари ўртасида маълумотлар алмашиш;

- фойдаланувчи терминал ускуналаридан йироқдаги ахборотлар маълумот базаларига кириш имконияти;

- тадбиркорлик фаолиятида ахборот узатишнинг ишончлилиги;

- электрон почта хизматини тўла амалга ошириш.

Ахборотлаштириш миллий тизимини такомиллаштиришда Савдо-саноат палатасининг ягона иқтисодий ахборот маконини шакллантириш ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ЎзР ССП халқаро ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги асосий ташкилотлардан бири бўлиб, бутун дунёга танилиб бормоқда.

ЎзР ССП ўз иқтисодий ахборот маконига эга бўлиб, Интернет тармоғи ёрдамида тадбиркорларни барча турдаги ахборотлар билан мунтазам таъминлаб туриши учун фаолият мақсадларини қуйидагиларга йўналтириши лозим:

- замонвий ахборот ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда, тадбиркорлик ахбороти соҳасида ягона иқтисодий ахборот маконини яратиш;

- тадбиркорликка ахборот хизмати кўрсатиш инфратузилмасини ривожланишига ёрдам бериш, бунда ички ва ташқи бозорларга маҳсулотлар ва хизматларнинг фаол кириб боришини қўллаб-қувватлаш;

- ривожланган иқтисодий муносабатлар доирасида ахборот-коммуникация технологиялари ҳамкорлигини ташкил этиш.

ЎзР ССП ахборот маконининг амал қилиши давлат, жамоат, тармоқ, минтақавий ва тижорат тузилмалари ва бирлашмаларининг ихтиёрий асосда ахборот ресурсларини бирлаштиришини кучайтириш, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш механизм-ларини шакллантиришни талаб қилади.

Белгиланган вазифаларга мувофиқ ўз ахборот инфратузилмасини ривожлантира бориб, ЎзР ССП минтақавий, локал ва халқаро фаолият даражаларини, шунингдек техник сиёсат ва тизим фаолиятини аҳо-



рот билан таъминлаш масалаларини қамраб олади. Фикримизча, ЎЗР ССП фаолиятини таркибий жиҳатдан учта ахборот тизимчасига ажратиш, улар қуйидаги вазифаларни амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Локал ахборот тизимчаси (ЛАТ) - палата бўлимларини бирлаштирган ҳолда ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш учун мўлжалланиб, соҳа маълумотлар базасини шакллантириш ва Палатанинг барча тузилмаларига ахборот хизмати кўрсатиши лозим.

2. Минтақавий ахборот тизимчаси (МАТ) - минтақавий ССПни бирлаштириб, манфаатдор бўлган ташқи ташкилотлар, корхоналар ва тадбиркорликнинг бошқа субъектларини ўз ичига олиши керак. Бу тизимча ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ҳамда фойдаланиш, минтақалар маълумотлар базаларини шакллантириш ва тўлдириш, минтақавий ССПни ахборотлар билан таъминлаб туришга хизмат қилиши зарур.

3. Халқаро ахборот тизимчаси (ХАТ) - жаҳон ахборот тизимига интеграцияланиш мақсадида халқаро маълумотлар базасига киришни амалга оширишга имкон берувчи ахборот тизими бўлиши керак.

Бунда ҳудудий ССПнинг ахборотлар технологиясини яратиш ва уни келгусида мавжуд телекоммуникация тармоқларига интеграциялашуви қуйидаги тарзда амалга оширилиши зарур:

1. ЎЗР ССП минтақавий абонент пункти базасида иқтисодий ахборотлар макони (МИАМ) яратилиб, унга ҳудудий тадбиркорлик ахборот марказлари коммутациялашган ёки ажралган телефон каналлари бўйича уланади.

2. Ҳудудий ИАМга бевосита абонентлар уланиши натижасида уларнинг ишчи ўрни керакли воситалар билан жиҳозланган бўлиб, стандарт коммуникация вазифаларини бажаришни таъминлайди.

3. Минтақавий ва ҳудудий ИАМ хорижий мамлакатлар компьютер тармоқларига уланиб, бунинг учун қуйидаги талаблар бажарилиши зарур бўлади:

- ҳудудий ССП маъмурияти ва бошқа тармоқлар ҳудудий ИАМига қўшилиш учун шартнома тузади, улар тармоққа коммутациялашган телефон канали абоненти сифатида уланади;

- минтақавий ва ҳудудий ИАМ хост компьютерларига ихтисослашган коммуникация ускунаси Х25 ва ТСР/ІР протоколининг кенгайтирилган варианты ўрнатилади.

Шундай қилиб, ЎЗР ССП ахборот макони халқаро лойиҳа асосида “Умумжаҳон тадбиркорлик фаолияти таклифлари тармоғини

яратиш"да фаол манбалардан бири бўлиши керак. Бунда ахборот айирбошлашда иштирок этишнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши назарда тутилади:

- турли мамлакатлар ССП ўртасида ахборот алмашуви соҳасида ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва мустақамлаш;

- ССПга, жумладан ҳудудий палаталарга амалий хизмат кўрсатиш доирасини, ўз аъзолари учун, шунингдек минтақадаги бошқа корхона ва ташкилотлари учун кенгайтириш;

- ЎзР ССП ва минтақанинг бошқа корхона ва ташкилотларига уларнинг юридик мавқеи ёки мулкчилик шакли қандай бўлишидан қатъий назар чет эл ахборот ресурсларига кенгроқ кириб боришини таъминлаш.

Пировард натижада эса тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсади бутун мамлакат миқёсида истеъмолчилар учун очiq бўлган ахборот тизимини яратишни тақозо этиб, улар қуйидагиларга асосланиши лозим:

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги давлат сиёсати;

- ахборотлаштириш, стандартлаштириш, ахборотларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати;

- тадбиркорликнинг ахборот муҳитини таъминловчи ташкилотлар тизими.

Республикамизда тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тизими учун бевосита интеграциялашган ахборот муҳити тақдим этилиши шарт бўлиб, у қуйидаги «Олти қирра»ни ўз ичига олиши керак.

Биринчи қиррани тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатини олиб борувчи ташкилотлар белгилайди ва уларга:

- тадбиркорларнинг жамоат бирлашмалари: ЎзР ССП, фермер хўжаликлари уюшмаси, тадбиркор аёллар уюшмаси;

- тадбиркор кадрларни молия-кредит ахборотлари бўйича қўллаб-қувватлаш ва тайёрлаш: деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, банклар ва бошқалар;

- тадбиркор кадрларни суғурта бўйича қўллаб-қувватлаш ва тайёрлаш: суғурта компаниялари;

- тадбиркор кадрларни ахборот-маслаҳат бўйича қўллаб-қувватлаш ва тайёрлаш: ЎзР ССПнинг ахборот-маслаҳат марказлари, бизнес-инкубаторлар, бизнес мактаблар;

- тайёр маҳсулотни сотиш институтлари: минтақавий ва ихтисослаштирилган бозорлар, Ўзулгуржибиржасавдо, Республика товар-хом ашё биржаси, агросаноат биржаси, улгуржи савдо базалари ва бизнес марказлари киради.

Санаб ўтилган ташкилотларнинг ҳар бири тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ўз вазифаларига эга бўлиб, шу билан бир вақтда ахборот манбалари ва тадбиркорлик фаолиятидаги ахборот истеъмолчилари ҳам ҳисобланади.

Иккинчи қирра - ахборотларни стандартлаштириш, ахборот тизимларини жорий этиш ва ахборотларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини олиб борувчи ташкилотлар бўлиб, бунда асосий ташкилот ЎзР Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳисобланади. Ушбу ташкилотларнинг вазифалари миллий миқёсдаги ахборот тизимларини яратиш ва эксплуатация қилишни амалга оширишдан иборат бўлиши керак.

Учинчи қирра - тадбиркорликка тақдим этиладиган, давлат ахборот ресурсларининг манбаларини белгилайди. Бунга Давлат статистика, Давлат солиқ, Давлат божхона қўмиталари, Молия вазирлиги ва бошқа маъсул ташкилотларнинг ахборот базалари қиради.

Тўртинчи қирра - нодавлат ахборот манбаларини белгилаб, булар:

-ахборот ва реклама агентликлари, ўз ахборот ресурсларини яратувчи тадбиркорлик жамоат бирлашмалари;

-маъсулот ва хизматларни таклиф этувчи, тижорат ташкилотлари;

-илмий, ўқув ва ижтимоий ташкилотлар.

Бешинчи қирра - умумий тизим интеграцияси ва ҳудудий тақсимланган ахборот муҳитини қўллаб-қувватлашни ифодалаб:

-техникавий, дастурий ва телекоммуникация воситалари тизими ишлаб чиқариш, ишга тушириш ва кузатиб бориш;

-тизимни молиявий назорат қилиш;

-тадбиркорлик фаолияти учун зарурий ахборот таъминотларидан иборат бўлиши керак.

Олтинчи қирра - кичик бизнес ва хусуий тадбиркорлик субъектлари ахборот таъминотини бевосита белгилайди.

Тадбиркорликни ахборот-коммуникация технологиялари билан қўллаб қувватлашнинг асосий вазифаларидан бирини ҳал этиш - мамлакат миқёсида ягона иқтисодий ахборот тизимини шакллантириш манфаатларига мўлжалланган ахборот-коммуникация технологияларининг тизимли ташкил этилиши қўйидаги корпоратив муҳитлар яратилишини назарда тутати:

- корпоратив ташкилий муҳит;

- корпоратив ахборот муҳити;

- корпоратив коммуникация муҳити.

Юқоридагилар ахборот таъминотининг ташкилий тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Тадбиркорликнинг ахборот таъминоти ташкилий тизими 5 та асосий тизимчалар базасида қурилиб, улар:

- қарорлар қабул қилиш;
- шартномавий таъминлаш;
- вариант ечимларини тайёрлаш;
- фаолиятни таъминлаш;
- тадбиркорликка ахборот хизмати кўрсатиш тизимчаларидан иборат бўлиши керак.

Кўрсатилган тизимчалар тадбиркорлик фаолияти ахборот таъминотига хизмат қилиб, бу барча технологик босқичларда, тизимни яратиш ёки мослашиши тўғрисидаги қарор қабул қилиш вариантларини тайёрлаш жараёнидан то ушбу тизим маълумотлар базасигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу жараёнда тадбиркорлик фаолиятидаги ахборот брокерлари асосий ўрин тутлади.

Ахборот брокерлари тижорат асосида ишлайди ва қоидага кўра, кичик бизнес мавқеига эгадирлар. Ахборот хизматлари асосан брокерлар томонидан ишлов бериш охирига етказилган ҳолда тақдим этилиб, муайян ахборот эҳтиёжларига мос келади ва қўшимча қийматга эга бўлади. Брокерларнинг асосий ихтисослашуви ахборотни мушоқотли қидириш, унинг натижаларини ҳисобот шаклида расмийлаштириш, қўшимча хизматлар сифатида бирламчи манбалар нусхалари ва маслаҳатларини тақдим этишдан иборат.

Ахборот брокерлари институти тадбиркорликка хизмат кўрсатишда алоҳида аҳамият касб этиб, биринчи навбатда, минтақа даражасидаги оммавий хизматларни амалга оширади ва улар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- корхоналар бўйича маълумотлар базаси ва минтақавий бозор мониторинги ҳамда тижорат имкониятлари;
- ортиқча маҳсулотлар бўйича маълумотлар базаси;
- таҳлилий материаллар, минтақа учун хос бўлган sanoat ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳолатини башорат қилиш ва фақатгина ушбу бозорни эмас, балки янада кенгроқ бозорларни қамраб олиш;
- минтақадаги ерга ишлов бериш, чорва моллари етиштиришнинг энг мақбул усуллари бўйича тавсия характеридаги материалларни танлаш, sanoat ва қишлоқ хўжалиги бўйича тажрибалар, ҳуқуқий масалалар ва хусусийлаштириш бўйича материаллар асосида танланиб, уларнинг мавжуд манбалар ҳамда етакчи маҳаллий мутахассислар билимлари ва тажрибаси асосида тайёрланиши.

Фикримизча, Ўзбекистон ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлили, унинг моҳиятига замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги талқинда ифода беришни тақозо қилади.

Винобарин, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш - бу ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланаётган ва модернизациялашган жамият фаолиятидир.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ягона иқтисодий ахборот маконини шаклланиш жараёнининг ўзига хос хусусияти, фақатгина ахборотлар ўзаро таъсирини таъминлаш, маълумотлар бозорида билимларни тақсимлаш учун ахборотлаштиришнинг техник ва технологик тузилмаларини яратиш эмас, балки унинг шаклланишини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиқатлари ёрдамида жаҳон ахборот маконига интеграциялашувидан ҳам иборатдир. Ахборот фаолияти жамиятдаги ахборот жараёнларининг мажмуи сифатида ижтимоий-иқтисодий тизим иқтисодий салоҳиятини моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқликда белгилайди. Ахборот ресурслари интеграцияси уларнинг идоровий тегишлигидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар амалга оширилиб, давлат ва нодавлат ахборот ресурслари, моҳият жиқати бўйича ўзаро боғлиқ ахборот ресурслари тизимини ташкил этиши зарур.

Ахборотлаштириш самарадорлигини техник-иқтисодий баҳолашнинг услубий асоси бўлиб иқтисодий ривожланиш даражасининг муҳим кўрсаткичларини шакллантириш алгоритмлари ва умумий иқтисодий қонуниятлар макротаҳлили хизмат қила олади. Бундай макрокўрсаткичларга, шубҳасиз, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ёки миллий даромад (МД) мисол бўла олади.

Ахборот-коммуникация технологиялари асосида амалга ошириладиган тижорат битимларини тузиш шарт-шароитларини таркибий таҳлил этиш, иқтисодий фаолият микро-макро субъектлари самарадорлигига улар таъсир даражасини баҳолаш миқдорий иқтисодий-математик моделлар ёрдамида аниқланди. Ишда ахборот-коммуникация технологиялари  $L(K)$  функцияни экспоненциал кўринишида ифодаланиб, бу ўз навбатида иқтисодиётни барқарор ривожланишида қўйилган мезонни ўзаро боғлиқлик мантиқий занжирини ҳисобга олади ва у қуйидагича бўлади:

$$L(K) = \sum_i \sum_j S_{ij} \rightarrow \text{тах ЯИМ ёки тах МД}, \quad (1)$$

бунда:  $\sum_i \sum_j S_{ij}$ -тижорат битимлари ҳажми  $\leq S$ ;

$K_y^{\max} \leq K_y \leq K_y^{\min}$  - тизимнинг макроиқтисодиётга таъсирини тавсифловчи параметрлар.

Таклиф этилаётган моделлардаги бир қатор миқдорий боғланишларни ҳисоблаш учун асосни тадбиркорлик фаолияти ахборот таъминоти тизимларини статистик кузатишдан олинган натижалари берди. Битимлар ҳажми ва экспорт ҳажми бўйича маълумотлар 2004 йилдаги, чет эл инвестицияларини қўшимча жалб этиш 2002 йил натижалари бўйича келтирилган.

Ишлаб чиқилган ёндашувларга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизими самарадорлигини иқтисодиёт ялпи кўрсаткичларига нисбатан ўлчаниш лозимлиги исботланди.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига асосан 2004 йилдаги ЯИМ 12189,5 млрд. сўмда баҳоланиб, ушбу даврдаги экспортнинг умумий ҳажми 4853,0 млн. доллар, импорт эса 3816,8 млн. долларни ташкил этди. Шу йилда чет эл инвестицияларнинг ишлаб чиқаришга жалб этилган ҳажми 495 млн. доллардан ортиқ бўлди. Шундай қилиб, яратилган тизимнинг макроиқтисодиётга таъсир даражасини нисбий тавсифловчи, мос ҳолдаги параметрлари, қуйидаги миқдорларга эга бўлади:

$$K_9 = 0,00030; \quad K_{им} = 0,0012; \quad K_{ин} = 0,0041 \quad (2)$$

Иқтисодиёт субъектлари ўз фаолиятида бозордаги хулқ-атвор стратегия ва тактикасини белгиловчи самарадорлик мезонлари мажмуалари билан ишлайдилар. Ушбу фаолият ҳар томонлама йўналтирилган мезонларни қондирган (max фойда ёки min қиймат, max ёки min фоиз) ҳолда талаб ва таклиф мувозанатининг бозор қонунилари билан тартибга солинади. Шакллантирилаётган тизимнинг функционал самарадорлиги тадқиқотлар натижасида аниқланиб, улар жумласига қуйидаги индикатор-кўрсаткичлар монанд бўлди:

- маҳсулот сотиш вақтининг минималлашуви (мамлакат бўйича ўртача > 60 кун, тизимда эса - 14-20 кун);

- натижа коэффициенти (амалга оширилган таклифлар миқдорини уларнинг умумий миқдорига нисбати: тизимда - 0.186, тизимдан ташқи кўрсаткич < 0.05);

- тизимдаги тадбиркорлик ҳамкорлиги ишончлилиги кўрсаткичи (бузилган битимлар миқдорини тузилган битимлар умумий миқдорига нисбати: тизимда - 0.04, тизимдан ташқи кўрсаткич > 0.16);

- истеъмолнинг фойдалилик коэффициенти (тузилган битимлардаги маҳсулотлар ва хизматлар баҳосининг рақобатчилик

векторидаги максимал нархга нисбати: тизимда – 0.82, тизимдан ташқи кўрсаткичи - 0.94).

Бирламчи мезонлар самарадорлиги сифатининг муайян даражасига эришиш оқибати тизим амал қилиши натижаларига иқтисодиёт субъектлари таъсирининг тавсифий ўлчамлари ҳисобланади. Уларнинг муҳимлари: тизимдаги истеъмолчилар миқдори ( $L_1$ ) ва таклифлар миқдори ( $L_2$ ) динамикаларидир:

$$L_1=370(1+2,84t) \text{ ва } L_2=480(1+t^2), \text{ бу ерда } t - \text{ тренд } \quad (3)$$

Қараб чиқилган кўрсаткичлар даражаси истеъмолчилик тизими таркибининг сифат жиҳатдан ижобий динамикасини белгилайди.

Тадбиркорлик фаолиятидаги ахборотлаштириш самарадорлигини баҳолашдаги ушбу ёндашув муайян ахборот технологиялари самарадорлигини таҳлил этиш натижаларини тўплаш ва умумлаштириш орқали олинди. Бундай ҳолда мазкур соҳадаги олдинги тажрибалар тўғрисидаги бошланғич маълумотлар зарур ва улар қаторига қуйидагилар киритилиши керак:

- етакчи хорижий мамлакатлардаги глобал техник-иқтисодий кўрсаткичлар;

- жаҳон амалиётидаги моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳанинг турли тармоқларига оид ахборот-коммуникация технологиялари техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш йўналишлари;

- мамлакатимиз иқтисодий секторларида халқаро амалий тажрибани қўллаш ёрдамида асосий омиллар ва техник-иқтисодий самарани миқдорий баҳолаш.

Жаҳондаги ва кўпгина мамлакатлар тажрибаси бир қатор шундай баҳолашлар олиш имкониятини берди. Кейинги йилларда ахборот секторидаги меҳнат ресурслари улуши жаҳон бўйича умуман 20-30 фоиз, ривожланган мамлакатларда 50 фоиз, АҚШда эса 55 фоизга баҳоланди ва бу кўрсаткич республикамиз бўйича 25-30 фоизни ташкил қилиши аниқланди.

90-йилларнинг бошида ахборот хизматининг индустрияда ишлаб чиқариладиган ёки сарфланадиган ЯИМдаги улуши умумжаҳон бўйича 8-9 фоиз, ривожланган мамлакатларда ва АҚШда 50 фоиз, Ғарбий Европада эса - ҳаттоки 60 фоизгача баҳоланарди. Ҳисоб-китоблар натижаси республикамизда бу кўрсаткич 15-18 фоизни ташкил қилишини кўрсатиб берди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни оптимал ташкил этиш ва ускуналарни мақбуллаштириш учун телекоммуникация ва ахборот тизимларини қўллаш маҳсулот ишлаб чиқаришни икки марта ошириш имконини беради.

Ўз навбатида эса тадбиркорлик фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш натижаси меҳнат самарадорлигини 40-50 фоиз ва бу фаолиятда бошқарув қарорларининг сифати ва самарадорлигини эса бир неча фоизга оширади.

Иқтисодийнинг ахборот укладига ўтишда илмий-техника тараққиёти ютуқларининг тенг ярми ахборот тармоғи соҳасига киритилиши мумкин, бундай ҳолда ижтимоий-иқтисодий тизим ахборотлашуви ҳисобига ЯИМ даражасининг яққол ўсиши кутилади. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида тадбиркорлик фаолиятини ахборотлаштириш самарадорлигини биринчи ҳолда 0,72-0,96 фоиз ва 1,44-1,68 фоиз ҳамда, иккинчи ҳолда 0,65-0,94 фоиз даражасида баҳолаш мумкин.

Ҳисоб-китоблар асосида тадбиркорлик фаолияти ахборотлаштириш миллий тизимининг ЯИМ ўсишидаги иқтисодий самараси аниқланди ва у 3- жадвалда келтирилмоқда.

### 3- жадвал

#### Ялпи ички маҳсулот ўсишида тадбиркорлик фаолияти ахборотлаштириш миллий тизимини қўллашнинг иқтисодий самараси, % да

Йиллар	Ҳисоблаш вариантлари	
	1- вариант	2- вариант
2004	0,72	0,65
2005	0,83	0,68
2006	0,92	0,70
2007	1,20	0,71
2008	1,24	0,73
2009	1,29	0,75
2010	1,33	0,77
2011	1,37	0,80
2012	1,39	0,83
2013	1,42	0,85
2014	1,47	0,88
2015	1,68	0,94

Манба: Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб ҳисобланган.

Таклиф этилаётган услубий ёндашув махсус тадқиқотларда ривожлантирилиши мумкин бўлиб, улар учун ретроспектив ва истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий тизимлар эволюцияси бўйича етарлича ишончли ва тўлиқ маълумотлар базасининг яратилиши тақозо этилади.



Ва ниҳоят, ахборотлаштиришнинг роли ва аҳамиятини иқтисодий самаралар билан ифодалаб қолмасдан, балки ахборот индустриясида ва ахборот-коммуникация мажмуасида ижтимоий бойликнинг муҳим элементлари яратилишини ҳам қайд қилишимиз лозим. Ахборот ресурслари жамият интеллектуал жамғармасига кириб, улар меҳнат ресурслари, билимлар, малакаларнинг тўпланиши, тақсимланиши ва амалда қўлланиши билан белгиланиб қолмасдан, балки бутун ўтган даврлардаги ишлаб чиқариш тажрибасини ҳам ахборотда ифодалашни ўз ичига олади.

### 3. ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти шароитидаги тадбиркорлик фаолияти ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари юзасидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари қуйидаги асосий хулосалар ва таклифлар киритиш имконини берди:

1. Ўзбекистонда ахборотлаштириш соҳасидаги шаклланган тенденциялар ва қонуниятлар жаҳондаги индустриал ахборотлашган давлатлар йўналишлари билан бир қаторда бўлиши кераклиги назарий жиҳатдан асосланди. Бунда миллий ахборотлаштириш жараёнларига қуйидаги омиллар таъсир этиши аниқланди: Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тизимидаги институционал қайта тузилишлар, тадбиркорлик фаолияти ахборотининг манбалари, замонавий бозор конъюнктурасига жавоб берадиган ахборот оқимлари мазмунини қайта таркиблаштириш, ахборотлаштириш соҳасида давлатнинг инвестицион фаолияти ва уни иқтисодиётнинг нодавлат секторида ривожлантириш.

2. Республикада ягона иқтисодий ахборот тизими базасини шакллантиришнинг назарий асослари ва тадбиркорлик фаолияти ахборот тизими функционал схемаси ишлаб чиқилди. Бунда ахборотлар ўртасидаги динамик тарздаги ўзаро таъсир бизнес ахборот технологиялари ва тадбиркорликка оид маълумотлар мажмуи орқали тадбиркорлик фаолиятига тижорат шартларида интерфаол тартибда хизмат кўрсатиши назарда тутилган.

3. Миллий иқтисодиёт ахборот тизими функционал схемаси таклиф этилиб, тадбиркорлик фаолияти ахборот корпоратив тармоқлари интеграцияси муаммоларини ҳал этиш учун ишда тадбиркорлик фаолияти ягона иқтисодий ахборот маконини, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитини ташкил этишнинг услубий инструментлари таклиф этилди. Олиб борилган тадқиқотлар тадбиркорлик фаолияти ахборотини секторларга ажратиш имконини берди, уларнинг интеграциялашуви тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўлган корпоратив ахборот муҳитини таъминлашни кўрсатди. Булар молиявий, иқтисо-

дий, демографик, статистик, саноат, транспорт, савдо-сотиқ бўйича тижорат ахборотлари, чет эл ва республика фирмалари, ахборот тижорат тармоқлари абонентларининг тижорат таклифлари, ташқи иқтисодий фаолият, тадбиркорлик янгиликларидан иборат бўлишligи аниқланди.

4. Ишлаб чиқилган мезонлар тизими мавжуд ахборот-коммуникация тармоқларини баҳолаш ва корпоратив технологик муҳитни аниқлаш имконини бериб, у ўз умумлашган ресурслари сифатида қуйидагиларни ифода этиши аниқланди:

-жаҳон амалиётида қўлланадиган тармоқланган технологияларни асосий диапазонлари;

-ахборот хизматлари мажмуи (on-line ва off-line режимларида маълумотлар узатиш, кўп протоколли режимлар, маълумотлар базаси ва электрон биржаларга киришни таъминлаш, телетайп, телекс ва факсимил хабарларни ҳамда протоколлар бўйича электрон почтани узатиш, телеконференциялар, электрон эълонлар доскаси);

-Ўзбекистондаги барча шаҳарлар, маъмурий ва илмий марказларни, барча тадбиркорлик субъектлари коммутация узелларини хост компьютер тармоқлари халқаларига улаш;

-МДҲ давлатлари, хорижий мамлакатлар тармоқлари билан ахборот алмашишдаги ўзаро компьютер алоқалари;

-глобал жаҳон тармоғи Интернет ёрдамида ахборотларга эга бўлиш.

5. Корпоратив ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштиришнинг тизимли интеграциялашуви услубиёти ва асосий тамойиллари таклиф этилиб, улар асосида корпоратив муҳитнинг ташкилий, ахборот ва коммуникация турлари орқали тизимли ташкил этилиши асослаб берилди.

6. Минтақавий ва халқаро даражаларда тадбиркорлик фаолияти ахборот таъминоти борасидаги республика ахборот тизимларини ривожлантиришнинг тармоқлараро тамойиллари ифодалаб берилди.

7. Ахборот бозори субъектларини интеграциялашган тизимга боғлаш ёрдамида ахборот бозори корпоратив иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоялаш ва ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш бўйича илмий услубий кўрсатмалар мажмуи таклиф этилиб, бунда ташкилий, молиявий, технологик, дастурий таъминотлар, ахборот хавфсизлиги ва Интернетга интеграциялашув масалалари ҳисобга олинди.

8. Тадқиқотда тадбиркорлик фаолияти ягона иқтисодий ахборот макони такомиллаштирилиб, бу соҳадаги мамлакат ва хорижий тажрибаларни миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлили ҳамда тадбиркорлик фаолияти ахборотини тижорат йўли билан тарқатиш технологияси

келтирилиб, бунда самарали бошқарув схемасини таянлаш амалга оширилди.

9. Иқтисодий тизим ривожланиши шароитларида маҳсулотлар ва хизматлар ахборот бозори ўзгаришининг динамик модели яратилиб, у ишлаб чиқилган ва амалга оширилган тадбиркорликни ахборот билан таъминлаш инфратузилмаси, тадбиркорлар фаолиятини фаоллаштириш, уларнинг замонавий шарт-шароитларга мослашишига кўмаклашиш имконини берди.

10. Бизнес ахборот технологияларини ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатлари, уларни ижтимоий-иқтисодий тизим самарадорлигига, технологик ишлаб чиқариш усули шаклланишига таъсир этувчи асосий омил сифатида қаралиб, бунда ахборот ҳал этувчи меҳнат воситаси ва предмети аҳамиятини касб этиши кўрсатилиб, бизнес ахборот технологияларига янгича таъриф берилди.

11. Ахборот бозори динамикаси иқтисодий ўсишнинг асосий индикатор-кўрсаткичи сифатида илмий ишда ўз аксини топиб, ахборотлаштиришни техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун услубий асос сифатида ахборотлаштиришнинг умумиқтисодий қонуниятлари макроиқтисодий таҳлил этилди.

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий тизимнинг турли соҳаларида муайян ахборот-коммуникация технологиялари самарадорлигини таҳлил этиш, натижаларни тўплаш ва умумлаштириш зарур деб ҳисобланиб, бошланғич маълумотлар қаторига етакчи чет эл мамлакатларидаги глобал техник-иқтисодий кўрсаткичлари, муайян ахборот технологияларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш ва самарали қўллаш йўналишлари, ахборотлар ёрдамида иқтисодий самарадорликни баҳолаш ва уларнинг асосий омилларини киритиш таклифи берилди.

12. Турли мамлакатлар иқтисодий ривожланишига илмий-техник тараққиётнинг таъсир этиш даражаси кўп вариантлигидан келиб чиққан ҳолда ва иқтисодиётнинг ахборот укладига ўтишда илмий-техника тараққиёти ютуқларининг камида ярми ахборот тармоғига тегишли бўлишидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий тизимни ахборотлаштириш ҳисобига ЯИМнинг ўсиши асослаб берилди. Мамлакат макроиқтисодий ривожланишнинг икки вариантини прогноз қилиш ёрдамида муаллиф ахборотлаштириш самарадорлигини биринчи ҳолда 0,72-0,96 фоиз ва 1,44-1,68 фоиз даражасида ва иккинчи ҳолда ЯИМнинг қутилаётган ўсиши 0,65-0,94 фоиз даражасида бўлишини аниқлаб берди.

13. Иқтисодий фаолият субъектлари самарадорлигига, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятида ахборот бозори миқёсига бизнес ахборот технологияларининг таъсир этувчи омилларини баҳолаш усуллари

ишлаб чиқилди ва асосланди. Бунда асосий мақсад молиявий ва моддий ресурслар ҳаракатини жадаллаштириш, минтақавий даражаларда иқтисодийнинг асосий секторлари ва ЯИМ ўсишини таъминлашдан иборат бўлишлиги кўрсатиб ўтилди.

#### 4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

##### I. Монография ва илмий журналларда чоп этилган мақолалар

1. Кенжабоев А.Т. Ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. Монография. -Т.:Ибн Сино,2004. 252 бет.
2. Кенжабоев А.Т. Ахборот бозорларини ривожлантириш // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -2001. 6-сон. 16-17 бетлар.
3. Кенжабоев А.Т., Рўзиев А.О. Миллий ахборот технологиялари хусусиятлари // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -2002. 4-сон. 31-32 бетлар.
4. Кенжабоев А.Т., Рўзиев А.О. Интернет тижорат: муаммо ва истиқбол //Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -2002. 3-сон. 42- бет.
5. Кенжабоев А.Т. Информационные технологии и развитие ее в Узбекистане //Ж. Сельское хозяйство Узбекистана. -2002. №4, с.15.
6. Кенжабоев А.Т. Халқаро ахборот технологиялари //Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -2002. 4- сон. 29-31 бетлар.
7. Кенжабоев А.Т., Абдуллаев Ё. Ахборотлашган жамият //Ж. Мулоқот. -2002. 5- сон. 24-25 бетлар.
8. Кенжабоев А.Т. Некоторые вопросы применения информационных технологии в банках Республики Узбекистан //Ж. Актуальные проблемы современной науки. -М., -2002. №3(6) с. 80-82.
9. Кенжабоев А.Т. Информационные технологии и формирование предпринимательства в Узбекистане //Ж. Актуальные проблемы современной науки, М., -2002. №3(6) с. 390-391.
10. Кенжабоев А.Т. Информационный менеджмент в банках //Ж. МГОУ-XXI- Новые технологии. -М., -2002. №5/6. с. 31-32.
11. Кенжабоев А.Т. Рўзиев А.О., Алланазаров А. Ўзбекистон Республикасида ахборотлашган жамиятга ўтиш: ютуқ ва муаммолар // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -2002. 12- сон. 22-24 бетлар.
12. Кенжабоев А.Т. Ахборот бозори муаммолари //Ж. Гулистон. -2003. 3-4 сон. 28- бет.
13. Кенжабаев А.Т., Хайтанов А. Информационные технологии в управлении банками //Ж. Рынок,деньги и кредит. -2003. №7. с.18-19.

14. Кенжабаев А.Т. Республикада ягона иқтисодий ахборот тизимларини қуриш //Ж. Бозор, пул ва кредит. -2004. 12- сон. 19-21 бетлар.

## II. Илмий аянжуман тўпламларида чоп этилган тезислар

15. Кенжабоев А.Т., Муратов У.М., Алланазаров А.Ш. Проблемы банковского сервиса и INTRANET // Современные компьютерные технологии в экономике, науке и образовании: Тез. докл. Межд. науч. конф. 13-15 октября 1998. -Т., с. 18-20.
16. Кенжабоев А.Т. Информационные технологии и проблемы их внедрения в сферу экономического образования // Актуальные вопросы совершенствования банковско-финансовой системы республики Узбекистан и ее интеграции в мировой финансовый рынок: Тез. докл. Межд. науч. практ. конф. 19 мая 1999. -Т., 1999. с. 93-94.
17. Кенжабоев А.Т., Тошпўлатов О. Эффективность использования информационных технологий в финансовых учреждениях //Бозор муносабатлари шароитида бухгалтерия ҳисоби ва молия кредит тизимининг такомиллаштириш муаммолари: Тез. докл. респ. науч. практ. конф. 21-22 сентября 1999. -Фаргона, 1999. с. 97-99 бетлар.
18. Кенжабоев А.Т., Баймуратов Т.М. Суғурта компаниялари фаолиятини такомиллаштиришда информацион технологиялардан фойдаланиш назарияси ва амалиёти // Бозор муносабатлари шароитида суғурта тизимини такомиллаштириш муаммолари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. -Т., 2000. 21-23 бетлар.
19. Кенжабаев А.Т., Ольховская И.В. Информационные технологии и их роль самостоятельной подготовке студентов // Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда: тажриба, ютуқ ва муаммолар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Т., 2001. 123 бет.
20. Кенжабоев А.Т., Рўзиев А., Тиллашайхова М. Масофавий ўқитиш: таҳлил ва муаммо // Масофадан ўқитиш техника ва технологияси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Т., 2002. 50-51 бетлар.
21. Кенжабаев А.Т. Интернет коммерция в предпринимательстве // Применение интернет в учебном процессе. Тез. докл. межд. науч. практ. конф. Всероссийский заочный финансово-экономический институт. ТГЭУ. Республиканский Фонд "Устоз", Москва-Ташкент, 2002. с. 55-56.
22. Кенжабаев А.Т., Тиллашайхова М., Рўзиев А. Эффективность дистанционного обучения в образовании // Иқтисодчи кадрлар

- тайёрлаш сифатини таъминлашда ахборот коммуникациялар технологиялари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари. -Т., 2003. 12- бет.
23. Кенжабоев А.Т., Қосимов Б.А. Малакали кадрларни тайёрлашда информаион технологияларни роли // Иқтисодиётни барқарорлаштиришда инсон омили ва ва уни фаоллаштириш усуллари: Республика илмий-амалий семинари материаллари. -Т., 2004. 23-24 бетлар.
24. Кенжабоев А.Т. Проблемы создания электронных библиотек //Ахборот-коммуникациялар технологиялари асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш: тажриба, муаммо ва истиқболлар: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Т., 2004. 154-155 бетлар.
25. Кенжабоев А.Т. Банкларда замонавий технологиялар ва ахборот рисклари // Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш масалалари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Т., 2004. 164-167 бетлар.
26. Кенжабоев А.Т., Қосимов Б.А. 1С: Бухгалтерия имкониятлари //Маънавият илму фан ва иқтисодий билим ёшлар тарбиясига хизмат қилсин: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Т., 2004. 252-253 бетлар.
27. Кенжабаев А.Т. Корпоративные информационные системы и их совершенствование в Узбекистане //Социально-экономические проблемы переходной экономики (опыт, обобщения, закономерности): Тез. докл. Межд. науч. практ. конф. 3-4 июня 2005. – Санкт-Петербург., 2005. с.152-153.
28. Кенжабаев А.Т. Методы обеспечения информационной безопасности региона //Проблемы углубления реформ в банковской и финансовой системах Республики Узбекистан: Тез. докл. Межд. науч. практ. конф. 15 июня 2005. –Т., 2005. с. 293-294.

### III. Ўқув ва услубий қўлланмалар

29. Кенжабоев А.Т., Қобулов А.В. Баҳолашда иқтисодий математик усуллар ва моделлар. Ўқув қўлланма. -Т.: ФАН, 1996. -80 б.
30. Кенжабоев А.Т., Рўзиев А.О. Excel 7.0 имкониятлари. Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ, 2003. -104 б.
31. Кенжабоев А.Т., Рўзиев А.О. “Информаион технологиялар” ва “Иқтисодий математик усуллар ва моделлар” фанларидан лаборатория машғулотлари. Услубий қўлланма. -Т.:ТМИ, 2003. -108б
32. Кенжабоев А.Т., Рўзиев А.О. Иқтисодий математик усуллар ва моделлар. Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ, 2004. -276 б.

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Кенжабаев Аман Тургуновичнинг 08.00.14 – «Иқтисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари» ихтисослиги бўйича «Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари» мавзусидаги диссертациясининг

### РЕЗЮМЕСИ

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** ахборотлаштириш миллий тизими, электрон ҳужжат, бизнес ахборот технологиялари, ахборот-коммуникация технологиялари, тадбиркорлик корпоратив ахборот муҳити, ягона иқтисодий ахборот тизимлари.

**Тадқиқот объектлари:** ахборот-коммуникациялари бозоридаги тадбиркорлик объектлари ҳисобланади.

**Ишнинг мақсади:** АКТ интеграциялашуви шароитида тадбиркорлик фаолиятидаги ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантиришнинг ечимларини ҳал қилиш ҳисобланади.

**Тадқиқот методи:** тизимли ёндашув, илмий тавсифлаш, статистик таҳлил, ўзаро таққослаш, индукция ва дедукция, башоратлаш ҳамда иқтисодий математик усуллар.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришни асосий қонуниятлари ва тамойиллари аниқланиб маълумотлар узатиш миллий тармоғини таркибий тузилиши ҳамда миллий иқтисодиётда ахборот тизими функционал схемаси ишлаб чиқилиб, ахборот жараёнларини баҳолаш учун бизнес ахборот технологиялари тушунчаси киритилди; ягона иқтисодий ахборот тизимини яратишнинг назарий асослари ишлаб чиқилиб, тадбиркорлик фаолияти ахборот тизимининг функционал схемаси таклиф қилинди; тадбиркорлик фаолияти муҳим индикатор-кўрсаткичларига бизнес ахборот технологияларини таъсири хусусияти ва даражасининг концептуал, миқдорий таҳлил моделлари қурилди.

**Амалий аҳамияти:** тадбиркорлик фаолияти ягона иқтисодий ахборот маконини қуришда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги илмий тадқиқотларни чуқурлаштиришда қўлланиши мумкин.

**Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг назорат бўлими, Молия вазирлиги ахборот ҳисоблаш маркази далолатномаларида эътироф этилиб, амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантиришда.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Кенжабаева Амана Тургуновича на тему: «Проблемы формирования национальной системы информатизации в предпринимательской деятельности» на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.14 – «Информационные системы и технологии в экономике».

**Ключевые слова:** национальная система информатизации, электронный документ, информационные технологии бизнеса, информационно-коммуникационные технологии, корпоративная информационная среда предпринимательства, единая экономическая информационная система.

**Объекты исследования:** предпринимательские объекты информационно-коммуникационного рынка.

**Цель работы:** решение проблем формирования национальной системы информатизации в предпринимательской деятельности в условиях интеграции ИКТ.

**Метод исследования:** системный подход, методы познания, статистический анализ, сравнение, индукция и дедукция, прогнозирование и математические методы.

**Полученные результаты и их новизна:** разработана структурная схема национальной сети передачи данных, функциональная схема информационной системы национальной экономики и введен термин информационные технологии бизнеса в оценивании информационных процессов; разработаны и предложены теоретические основы создания единой экономической информационной системы и функциональная схема информационной системы предпринимательства; построены модели концептуального и количественного макроэкономического анализа влияния информационных технологии бизнеса на важные показатели-индикаторы предпринимательской деятельности.

**Практическая значимость:** рекомендованные разработки можно использовать: в создании единого пространства экономической информации в предпринимательстве и в углублении научных исследований в области информационно-коммуникационной технологий.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** ряд предложений и рекомендаций диссертанта внесены в отдел контроля Кабинета Министров, информационно-вычислительный центр при Министерстве Финансов Республики Узбекистан и были одобрены.

**Область применения:** совершенствовании национальной системы информатизации предпринимательства.



## R E S U M E

Thesis of Kenjabaev Aman Turgunovich completed on a topic "The problems of forming the national informatization system on the example of entrepreneur activity" of a seeker on the scientific degree of Doctor of Economics on a specialty of 08.00.14 - "Informational systems and technologies in the economy"

**Key words:** national systems of informatization, electronical document, business informational technologies, informational-communicational technologies, corporate informational environment entrepreneurship, centers of business information.

**Objects of the inquiry:** the object of the research is the entrepreneur objects of informational-communicational market.

**Aim of the inquiry:** target of this scientific work is to solve national informatization system forming in the entrepreneur activity in integration condition of the ICT.

**Method of inquiry:** system approach, statistical analysis, comparison, deductive and inductive analysis, prognosing, informatica and mathematical modeling.

**The results achieved and their novelty:** for the marking we enter the word business informational technologies; it has determined the concept and formed the principles of systematical building of business informational technologies and separate consist of it; it has determined the methodology of building the corporate informational and communicational sphere of entrepreneurship; it has build the models of conceptual and quantity macro economical character of analysis and the influence of business informational technologies to the important parameters of effectivity of social-economical system.

**Practical value:** practical significance of the dissertation work is forming of national system of informatization on creating concept of informatization entrepreneurship and using it in the future.

**Degree of embed and economic effectivity:** the dissertation work outcomes lie in the fact it has made proposals on improving the national system of informatization to the branch of control of Cabinet Ministers of the Republic of Uzbekistan and to informational-accounting centre under the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan

**Sphere of usage:** inquiry may be used to improve the national system of informatization of entrepreneurship.

Тадқиқотчи: 

Босишга рухсат этилди	29.08.05
Қоғоз бичими	30x42
Ҳисоб-нашр табағи	2.5 б.т.
Адади	100
Буюртма	№ 32

Тошкент Молия институти босмаҳонасида ризография  
узулида чоп этилди. 700084, Тошкент, Ҳ, Асомов кўчаси 7-уй.

